



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Сайфуллаев Абдирайим Нарзиллаевич

*Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қариш филиали академик
лицейукув ишлари бўйича директор уринбосари*

Аннотация: *Мазкур мақолада мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги шу билан бирга малакали педагогларни тайёрлашда педагогик ва нопедагогик олий таълим муассасалари талабаларини педагогик билимлар билан қуроллантириш, уларни ёш авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёни ҳақида сўз боради.*

Калим сўзлар: *педагог, техника, технология, инновацион, дидактик, мотивация, методология, механизм, демографик, компетенция, дидактик, интеграция, фундаментал, концептуал.*

Мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги қатъий хулосага келинди. Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди.



Ўзбекистоннинг тўла мустақил бўлишида фуқароларнинг рухий ва фикрий мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни мустақил фикрлай олишга ўргатиш бугунги кунда ўта долзарб масала бўлиб турибди. Ёшларни ташаббускор кишилар сифатида тарбиялаш, уларни ностандарт фикрлашга одатлантиришда таълим тизими алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: "Ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз", – деган фикрлари мустақил Ўзбекистонимиз ёшларини эркин фикрлашни таркиб топтиришга қаратилаётган эътибордан дарак беради.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, барча даврларда ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, усуллари ва қонун-қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифий ва маънавий комилликка эришиши тарбия деб аталмиш ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожланган сари етук, баркамол шахсларни тарбиялаб эшиттириш эҳтиёжи ортиб, ўзгариб, янгиланиб борган. Жамият тараққиётининг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга татбиқ қилиш эҳтиёжи кучайиб борди.

Шунингдек, таълим-тарбиянинг инсонийлашуви, барча педагогик қарашлар марказида тарбияланувчининг шахс-сифатида шаклланишини, талаба ва ўқитувчи, тарбиячи-тарбияланувчи муносабатларининг тубдан ўзгаришини, жамиятнинг инсонлар ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари, миллий ва жаҳон таълим тизими тажрибалари асосида шахс тараққиёти, умуминсоний қадриятлар, таълим олиш ва ўқув муассасасининг турини эркин равишда танлаш, алоҳида ўз имкониятлари ва қобилиятига асосан хўжалик юритиш ва



тадбиркорлик билан шуғулланиш мустақиллиги ва ташаббусига, малака ва кўникмасига эга бўлишни тақозо этади.

Бугунги кунда маънавиятга, таълим-тарбияга, миллий кадрлар тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бермайдиган жамият, давлат, халқ ва миллат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни бартараф этолмайди. Халқи маънавий, маърифий жиҳатдан етук бўлмаган мамлакат табиий-иқтисодий бойликларига беҳисоб, ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган тақдирда ҳам буюк давлат бўла олмайди.

Эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар, баркамол авлод ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбасидир. Ана шундай ноёб ҳислат ва фазилатларга эга бўлган инсонларни, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ, албатта, келажакка очиқ кўз, катта ишонч, умид ва ихлос билан қарай олади. Кўриниб турганидек, мустақил Ўзбекистон тараққиёти тақдирини ҳам маънавий жиҳатдан етук инсонлар ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасининг мукамаллиги, ҳаёт билан ҳамоҳанглиги, шунингдек, халқаро қоидаларга қай даражада мослиги, таълим соҳасининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу соҳада қонунчилик таъминланмас экан, кутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир жамиятда келажак тақдири навқирон авлодлар қўлида бўлганидек, ҳар бир халқнинг маънавий ва маданий камолот даражаси, энг аввало, ёшлар тарбиясида кўринади.

Мустақиллигимиздан кейин маънавий-маърифий ишларга, унутилган, камситилган маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилган сиёсатни амалга оширилишини кўрсатиш ҳамда ёш авлоднинг миллий ғурурини юксалтиришга, уларни ватанпарварлик, юртпарварлик, байналмилаллик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар моҳиятини очиб бериш асосий масала ҳисобланади.

Бугунги кунда педагогик, маънавий, маърифий тарғибот ишлари долзарб вазифага айланмоқда. Шунинг учун ҳам педагогик, маънавий,



маърифий тарғибот ишлари қандай дастур ва йўналиш, қайси кўрсатма ва қўлланма, қанақа режа асосида, қай савияда, кимлар тарафидан олиб борилаётгани ғоят муҳим масала бўлиб турибди.

Мустақиллик биз учун жамият тараққиётининг бутунлай янги даврини бошлаб берди. У Ўзбекистонимизни, ўзбек миллатини жаҳонга танитди. Биз миллий манфаатларимизга, маънавий қадриятларимизга, демократик мезонларга тамомила мувофиқ янги жамият қуришга киришдик.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатий тартиб-интизом шахсий жавобгарлик-ҳарбир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.. Т.: Ўзбекистон, 2017, -104 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ғ.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat Madadkor”, 2000. – 46-52-б.
3. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – 27-28-б.
4. Одилов Ё.Ж. [Informatsionno-kommunikatsionniye texnologii \(ikt\) v obrazovanii. Ikt kompetentnost v professionalnom razvitii kadrov](#) // Scienceweb academic papers collection. ISSUE 9. ISSN 2181-1784. Scientific Journal Impact Factor. – Тошкент, 2019/1/1. 436-441.
5. Одилов Ё.Ж. // [Methods of preparing students for professional activity on the basis of teaching physics](#) // O‘zbekiston Milliy Universiteti Xabarлари. 2022,[1/11] ISSN 2181-7324.
6. **Tursunov.I. G, Odilov Y.J // Fizikadan laboratoriya ishini bajarishda yangi va noan’anaviy uslublardan foydalanish.// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 | ISSUE 9 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. 2021/10.**
7. Одилов.Ё.Ж. //Янги ва ноанъанавий услублардан фойдаланиб физика фанидан лаборатория ишини бажариш усуллари// **ILM-FAN VA**



INNOVATSIYA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI. 2024/7/11. 77-80 B.

8. **Odilov.Yo.J** //Fizika fani o 'qitish asosida talabalarni loyihaviy-konstruktorlik faoliyati tahlili. //TADQIQOTLAR, 2024. 134-137 B.

9. **Odilov.Yo.J** //Issiqlik uzatish jarayoni matematik modelini microsoft excel dasturida o'rganish. // Engineering problems and innovations. 2023